

АХМЕДОВ Ахтам

*Бухоро давлат музей-қўриқхонаси илмий ходими,
Баҳоуддин Нақибанд илмий тадқиқот
маркази ходими
Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази
мустақил тадқиқотчиси*

“РАВЗАТ УС-СОЛИКИН” АСАРИ МУНДАРИЖАСИ ВА УНИНГ КОДИКОЛОГИК ТАВСИФИ

СОДЕРЖАНИЕ ТРУДА «РАВЗАТ УС-СОЛИКИН» И ЕГО КОДИКОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА

THE CONTENT OF THE WORK «RAWZAT US-SALIKIN» AND ITS CODICOLOGICAL CHARACTERISTICS

Аннотация: Мақолада Бухоро давлат музей-қўриқхонаси фондида сақланаётган “Равзат ус-соликин” номи қадимий қўлёзма ҳақида, унинг сарлавҳалар мундарижаси яъни қўлёзмадаги басмала, ҳамду сано, муножотдан бошлаб, колофондаги матнларгача қисмида нималар акс этганлиги ҳақида қисқача маълумот берилган. Шунингдек, мақолада тасаввуф ва баъзи мутасаввуфларга доир қимматли маълумотлар ривоят, ҳикоя тарзида назм ва насрда баён қилинганлиги, Нақибандийлик тариқатини эътироф этиб, сохта тариқатчилик, гоъларига жуда кескин фикрлар қўллангани ҳақида ҳам баён қилинди. Мақолада нафақат матний жиҳатдан балки қўлёзмага хос кодикологик жиҳатдан ҳам маълумот беришга ҳаракат қилинди. Қўлёзманинг хос хусусияти ҳақида гап кетганда хаттотлар ва уларнинг матн кўчиришдаги услублари ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди.

Таянч сўзлар: Ёзма ёдгорлик, мақсадли сақлаш, тафсир, ҳадис, кодикология, Равзат ус-соликин, қўлёзма, манба, илоҳий ишқ, ожизлик, калимаи қудсия, тариқат йўллари, колофон, Мир Араб мадрасаси, муқова, сарлавҳа, туркий жумла, манбашунослар, матнишунослик.

Аннотация: В статье представлена краткая информация о древней рукописи под названием «Равзат ус-соликин», хранящейся в фонде Бухарского государственного музея-заповедника, и о содержании ее заголовков, начиная с басмалы,

восхвалений и молитв, и заканчивая текстами на колофоне. Также в статье отмечается, что ценные сведения о суфизме и некоторых суфиях изложены в стихотворной и прозаической форме в виде преданий и рассказов. При этом признается орден Накибандия, а к идеям ложного тариката применяются весьма критические взгляды. В статье предпринята попытка предоставить информацию не только с текстовой точки зрения, но и с кодикологической, характерной для рукописи. Говоря об особенностях рукописи, также упоминаются каллиграфы и их методы копирования текста.

Ключевые слова: Письменный памятник, целенаправленное хранение, тафсир, хадис, кодикология, Равзат ус-соликин, рукопись, источник, божественная любовь, слабость, калима-и қудсия, пути тариката, колофон, медресе Мир-Араб, обложка, заголовок, тюркское предложение, источниковеды, текстология.

Abstract: The article provides a brief overview of the ancient manuscript titled «Ravzat us-solikin», preserved in the collection of the Bukhara State Museum-Reserve, and the content of its titles, starting with basmala, praises, and prayers, and concluding with colophonic texts. The article also notes that valuable information about Sufism and some Sufis is presented in verse and prose in the form of narratives and stories. At the same time, the Naqshbandi order is recognized, and very critical views are applied to the ideas of the false tariqa. The article attempts to provide information not only from a textual perspective but also from a codicological perspective, characteristic of the manuscript. Speaking about the features of the manuscript, calligraphers and their methods of copying the text are also mentioned.

Keywords: Written monument, purposeful preservation, tafsir, hadith, codicology, Ravzat us-solikin, manuscript, source, divine love, weakness, kalima-i qudsiya, tariqa paths, colophon, Mir-Arab madrasah, cover, title, Turkic sentence, source scholars, textology.

КИРИШ

Хукуматимизнинг ёзма ёдгорликларни бир жойга тўплаш, уларни мақсадли сақлаш ва илмий ўрганиб, кейинги авлодларга етказиш борасида қилаётган ғамхўрлиги туфайли Бухоро давлат музей-қўриқхонаси фондида турли даврлардаги турфа соҳаларни ўзида камраб олган кўплаб қўлёзма ва тошбосма манбалар сақланиб келинмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Бухоро давлат музей-кўрикхона фондида тафсир, ҳадис, ақоид - калом, фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги), табобат, тарих, адабиёт ва бошқа соҳалардаги асарлар сингари тасаввуф илмига оид ва шу илм билан шуғулланган мутасаввуфлар ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида маълумот берувчи мўътабар асарлар ҳам мавжуд.

Ана шундай кўхна ёзма ёдгорликлар орасида ўзининг қадимийлиги, унвонининг жуда бежиримлиги, хатининг гўзаллиги ва бошқа кодикологик жиҳатдан ўзга қўлёзмалардан ажралиб турувчи манбалардан бири Али ибн Маҳмуд ал-Абивардий ал-Куроний (XV-XVI аср) нинг тасаввуфга оид “Равзат ус-соликин” (“Солиқлар боғи”) асари нодир қўлёзма манба сифатида аҳамиятлидир.

НАТИЖАЛАР

Қўлёзма 1.6 варақдан бошланган бўлиб, айнан мана шу варақда бадий безаклик гўзал унвони мавжуд. Қўлёзма қуйидаги жумлалар билан бошланган:

انجا كه كمال كبرىای تو بود
عالم هم از بحر عطای تو بود
مارا چه حد حمد و ثنای تو بود
هم حمد و ثنای تو سزای تو بود

*Онжо ки, камоли кибриёи ту буд, олам
ҳам аз баҳри атои ту буд.*

*Моро чи ҳад ҳамду санои ту буд, ҳам
ҳамду санои ту сазои ту буд*

Таржима:

*Буюклик ва комиллик фақат Сенга хосдир,
бутун олам Сенинг июятинг ва фазлинг
туфайли мавжуд бўлган.*

*Биз (инсонлар), бу қадар буюк илоҳий
қудратинг олдида Сени мадҳ этишга қандай
ҳаққа эгамиз?*

*Ҳамду санога фақат Сенинг ўзинггина
лойиқсан.*

Ушбу байтлар Аллоҳнинг илоҳий қудратини ва инсонни унинг олдидаги ожизлигини кўрсатади. Муаллиф бундай жумлалар билан аввал Аллоҳни улуғлаб, унинг қудрати олдида бутун борлиқ инсоният ожизлигини эътироф этиб, хокисорлик, ўзига хос услуб билан

китобни ёзишга киришганлигини кўришимиз мумкин.

Бу жумлалардан сўнг китоб муаллифи Али бин Маҳмуд ал-Абивардий ал-Куроний Аллоҳ таъало уни суюкли пайғамбари – ҳабибига итоатда бўлиб эргашувчилардан қилиб неъматлантирганидан, уни расулининг ҳурмати билан мана шу йўлда собитқадам қилиб қўйганидан Аллоҳга чексиз ҳамду саносини ва Расулulloҳ с.а.в. га бениҳоя саловоту-саломларини айтиш билан давом эттиради.

Сўнгра ушбу асарда Хўжа Абдулҳолик Ғиждувоний, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ва уларнинг издошларидан баъзиларнинг Калимаи қудсия (муқаддас калима) ларидан келтирилганлиги ҳақида сўз юритилиб, “Садоқатли толиблар ва ҳаққа эргашувчи муридлар ушбу Калимаи қудсиялардан баҳраманд бўлсинлар. Чунки, толиблар ва солиқлар ушбу асардаги Калимаи қудсияларни мутолаа қилсалар жуда фойдали ва самаралари беҳисобдир”, – дейилади.

Муаллиф сўзининг давомида: “Ушбу асарни мутолаа қилувчи яхши хулқ эгалари (хушхулқ инсонлар) дан илтимосимиз шулки, асарни мутолаа қилганларидан сўнг ушбу асар (маълумотлари) ни жамланишига сабабчи бўлган ва китобни таълиф этган (ёзган) кишини ҳақиқа ҳам дуойи хайр қилишларини умид қиламиз”, – дея асарни ўқиган кишилардан дуо умидида эканликларини ёзадилар. Қўлёзмалар билан ишлаш асносида одатда дуодан умидворлик истакларини кўпгина қўлёзмаларнинг колофон қисмларида акс этганлигига гувоҳ бўлганмиз. Аммо, ушбу қўлёзмада асарнинг бошида қўлланилиши бу ҳам муаллифнинг ўзига хос ёндошуви ва услуби мавжудлигидан дарак беради.

МУҲОКАМА

Асарнинг асосий қисми қизил сиёҳда ажратиб кўчирилган қуйидаги сарлавҳалар остидаги қисмлардан иборат:

1. Абдулҳолик Ғиждувоний (қаддасаллоҳу руҳаҳул азиз) ҳақларида, ул зотнинг сийратлари, устозлари ҳақида маълумотлар берилиб, қудсий калимотларидан намуналар келтирилади;

2. Хожа Бобойи Самосий (қаддасаллоҳу таоло руҳаҳул азиз) ҳақларида;

3. Ҳазрат Амир Саййид Кулол (қаддасаллоҳу таоло сирраҳул азиз) ҳақларида;

4. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қаддасаллоҳу таоло сирраҳул азиз) ҳақларида ва у киши билан боғлиқ ҳаётларидан вафотларига қадар бўлган баъзи воқеа ва ҳодисалар;

5. Ҳазрат Хожа Алоуддин Аттор (қаддасаллоҳу таоло руҳаҳу) ҳаётлари ва сийратлари ҳақида;

6. Хизмати Хожа Муҳаммад Порсо (қаддасаллоҳу таоло руҳаҳу) яъни Хожа Муҳаммад Порсонинг ҳаёти ва фаолиятлари, укишининг устозлар хизматида бўлишлари;

7. Мавлоно Низомиддин Хомуш (қаддасаллоҳу сирраҳул азиз) нинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақида;

8. Хожа Абдуллоҳ Амомий Исфаҳоний (қаддасаллоҳу таоло руҳаҳул азиз) ҳақларида;

9. Мавлоно Саъдуддин Кошғарий (қаддасаллоҳу таоло руҳаҳул азиз) ҳақларида;

10. Хожа Убайдуллоҳ (қаддасаллоҳу таоло сирраҳул азиз) ҳақларида;

11. Ҳазрат Мавлоно Алоуддин ал Абсари (ал-Абрези) ал Қўҳистони (Тўлиқ номлари Муҳаммад бин Муҳаммад бин Мўмин (ваф. 892/1487 й.) (қаддасаллоҳу таъала руҳаҳул азиз) нинг мақомотлари ҳақида муҳим маълумотлар берилган. Мазкур “Мақомот” нинг ичида “Дар баёни фазилати ишқу муҳаббат” сарловҳаси остида илоҳий ишқ ва унинг фазилати ҳақида назмий ва насрий усулда муҳим маълумотлар;

12. Адашганлар ва уларнинг йўлбошчилари ҳақида маълумотлар (Ушбу мақомотда нафақат баъзи шайхлар, пирлар, уларнинг тариқат йўллари, сулуклари, ҳаётлари ва илмий мерослари, кароматлари каби ижобий маълумотлар балки, уларга қарши фикр билдирувчи адашган-залолат аҳли ва уларнинг ёмонликлари ҳақида ҳам маълумотлар берилади);

13. Дар зикри баъзи аҳвол ва ҳикоёт ва каромат ва хавориқи одот ки, баъдаз вафоти аз ҳазрати эшон (Ҳазрати Эшоннинг вафотларидан кейинги баъзи ғайри оддий воқеалар, ҳолатлар, кароматлар ва улар ҳақидаги ҳикоялар) ҳақида маълумот;

14. “Тарихи вафоти ҳазрати Махдуми Мавлоно Алоуддин. (Махдуми Мавлоно Алоуддин Муҳаммад бин Муҳаммад бин Мўмин ал-Қўҳистонийнинг вафотлари тарихи);

15. “Дар фазилати ин силсилаи шариф мин соири турукин ва салосила (Бу улуғвор силсиланинг бошқа силсила ва тариқатлардан фазилатли жиҳатлари ҳақида), “Дар зикри баъзи аҳвол ва ақволи хонаводеи Хожагон ва баёни равиши тариқати эшон қаддасаллоҳу таъала арвоҳаҳум (Хожагон хонадонидаги (силсиласидаги) азизларнинг ҳоллари, сўзлари, равишлари ва уларнинг тариқатлари, хусусан Хожа Баҳоуддин ва у кишининг ёрон (асҳоб) лари, уларнинг юриш туришлари ҳақидаги баъзи ҳолатлар хусусида қимматли маълумотлар;

16. Яратганга муножот-дуолар наср ва назмда ифодаланган. Муаллиф Муножотлар сўнгида “Жомии мақомот” да келтирилган куйидаги муножотни ҳам баён қилади: “Худовандо, шундан жуда қўрқаманки, агар бу рисолада Сенинг розилигинг учун эмас, инсониятнинг талаби (эҳтиёжлари) йўлида (уларни розилиги учун) бирор нарса (матн) ёзилган бўлса, бу заифу бемадор бандангни ушбу иши учун азобга олмагин (азобга грифтор қилмагин) ва бандангни ўзининг фазлу караминг билан гуноҳини авф эт”.

“Равзат ус-соликин” асарининг колофони келтирилган сўнги варағида муножотдан кейинги ўринда муаллиф:

الحمد لله على ذلك فلعنة الله على من تصرف في هذه الرسالة و غيرها بحرمة محمد (صعو) و على اله و اصحابه و سلم تسليما كثيرا كثيرا.

“Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин деб шукроналар айтиб, сўнг ушбу рисола (китобни) ўзиники қилиб (ўзлаштириб), нотўғри талкин қилиб, унга ўзгартириш киритган кимсага Расулуллоҳ¹ ҳурматлари билан² Аллоҳнинг лаънати бўлсин”, – деб ушбу асарни нотўғри талкин қилиб, кейинги давр инсонларига ҳам тасаввуфни нотўғри етказиб, кўпгина фитналарга сабаб бўлмасин дея жуда таъсирли сўзлардан фойдаланиб, ўзининг ташвишли омонатли фикрларини ёзиб қолдирган.

Кейинги матнларда муаллиф назм ва насрда куйидаги ички кечинмаларини ҳам ёзади:

نظم: لك الحمد و الشكر يا ذا الجلال

كه وصف تمامي گرفت اين مقال

جعلنا الله و اياكم ممن سعد بطاعته و فاز بمحبته انه قريب مجيب و الحمد لله وحده و السلام على من اتبع الهدى. و صلى

¹ Расулуллоҳ с.а.в, у кишининг оила аъзолари ва саҳобаларига кўпдан кўп саломлар бўлсин.

² Расулуллоҳ с.а.в. ҳақи унга Аллоҳнинг лаънати бўлсин.

عليه وسلم وعلى محمد وعلى اله واصحابه اجمعين الطيبين
والطاهرين.

Таржимаси:

Эй гўзаллик соҳиби бўлган Парвардигор,
Сенга чексиз мақтовлар бўлсинки, ушбу сўз
барча сифатларни эгаллаб олди.

Аллоҳ сизу бизни ўзининг тоати билан
бахту саодатга эриштириб, ўзининг муҳаббатига
ноил қилди. Албатта у (Аллоҳ) бандаларига
яқин, уларни дуоларини қабул қилгувчи зотдир.
Аллоҳнинг ўзига ҳамду санолар ва ҳидоятга –
тўғри йўлга эргашганларга саломлар бўлсин.
Расулulloҳ (с.а.в.), у кишининг оила аъзолари,
саҳобалари, яхши ва покиза зотларнинг
барчаларига саловот ва саломлар бўлсин.

Қўлёзма колофонини пастки қисмида
муаллиф томонидан асл қўлёзма ёзилган
санаси сўзларда (матнда) қуйидагича
ифодаланган:

قد تمت هذه الرسالة الميمونة المباركة المسومة بروضة
السالكين في عاشر شهر شوال سنة احدى و اربعين و تسعمائة.

“Равзат ус-соликин” номли ушбу шарафли
ва табаррук рисола ҳижрий 941 йил шаввол
ойининг ўнинчиси/ милодий 1535 йил 13 март
куни ёзиб тугатилди.

Қўлёманинг юқоридаги колофон яъни
тарихча қисмидан сўнг муаллиф бошқа
тасаввуфга оид қўлёмаларда учрайдиган
ноодатий жумлаларни қўллаганини ҳам гувоҳи
бўлиш мумкин. Ушбу назмий мисралар колофон
қисмидаги уч бурчак кўринишдаги матнларнинг
атрофида юқоридан пастга томон кўчирилган
ва ушбу мисралар қизил ғуж нуқталар билан
ўралган.

Мазкур мисраларда нақшбандийликнинг
қадрини эътироф этиб, ушбу таълимотга
нописандлик билан ёндашадиган ноҳолис ғайр
кимсаларга раддия бериб, қуйидаги жумлаларни
ҳам келтириб ўтади:

تو نقش نقشبندانرا چه دانی
تو شکل پیکرجانرا چه دانی
درخت سبز داند قدر باران
تو خشکی قدر بارانرا چه دانی

Маъноси:

Сен нақшбандийларнинг нақшини
(қадрини) қаердан (ҳам) биласан? Сен бир
шаклсан, суратсан, жон, руҳ қаерда эканлигини
қаердан биласан? Улар (нақшбандийлар)
Аллоҳни қалбида нақш қилган зотлардир.
Яшнаб турган дарахт ёмғирнинг қадрини

билади. Чунки ёмғир ёққанда бу дарахт баҳра
олади, яшнади, яйрайди. Сен қуп-қурук
(кунда) сан, ёмғирни қадрини қаердан биласан?
Ҳазрати Нақшбандни ва нақшбандийликни
қалби кўр фосиқ инсонлар билмайди, англай
олмайди балки, қалби очик, қалбида Аллоҳни
нақш қилган зотларгина билади ва англайди,
деб нақшбандийларни эътироф этган жумлалар
ўрин олган.

Колофон қисмининг чап томонида
челепо (қия) усулида пастдан юқорига томон
кўчирилган матнларда юқоридаги мисраларга
ҳамоҳанг қуйидаги матнлар кўчирилган:

سیر غم عشق دردمندان دانند.
نی خوش منشان و خود بسندان دانند.
از نقش تو ان بسوی بی نقش شدن
این نقش غریب نقشبندان دانند

Маъноси:

Ишқ ғамининг сиру асрорини унинг
дардига чалинганларгина биладилар. Ишқ
ғамининг сирини шодонлар ва худбинлар ҳаргиз
билмаслар. Нақшдан ўша нақшсиз бўлган
томонга йўналганлар нақшбандийликнинг бу
ғариб (ажойиб) нақшини биладилар [1].

Юқоридаги “Нақш” ва “Нақшсизлик”
сўзларини мазмун-моҳиятини кўпчилик
инсонларнинг тушунишлари қийинлигини
инобатга олган ҳолда Гулчехра Наврўзованинг
“Нақшбанд рубоийлари фалсафаси” номли
монографияларида Абдурахмон Жомий
томонидан “Нақш” ва “Нақшсизлик” сўзла-
рига берилган таърифни келтириш билан
кифояландик:

Абдурахмон Жомийни фикрига кўра,
“Нақш” сўзи Аллоҳ томонидан яратилган турли
нарсаларни англатувчи нарсадир [5:117].

Жомий турли бут ва санам-маъбудларга
боғланишдан узилиш лозимлигини ва
фақатгина нақшсиз бўлган Аллоҳга томон
юзланиб, ўшанга томон бориш кераклигини
таъкидлайди. У инсонни кўз билан кўрадиган
шакллар суратларга боғланишни қоралаб, асл
моҳият бўлган Аллоҳга юзланиш кераклигини
уктиради [5:117].

Колофон қисмининг нақшбандийликни
эътироф этиб ёзилган жумлаларнинг пастки
қисмида рамка ичида қуйидаги мисралар
ёзилган:

ای که اندر چشمهء شور است جات
تو چه دانی قدر و جیخون و فُرات

Маъноси:

Эй, шўр чашма ичида жойи бўлган киши, (яъни чучук сувдан бебаҳра, илмдан бенасиб қолган, залолатдаги киши, сен Жайхун ва Фурот дарёсининг кадрилини қайдан биласан.

Мазкур матнларнинг пастки қисмида олдинги матнларга тескари усулда котиб томонидан: Ушбу асарнинг аслига яқин нусхасига таяниб, имконқадар унга муқобил ҳолда (яъни айнан ўшандай кўринишда) ёзиб тугатилди, деган жумлалар ёзилган.

Китобнинг пастки ҳошия қисмида ушбу қўлёзма нусханинг ким томонидан қачон ва қаерда кўчирилгани маълумоти акс этган: قد تمت كتابة هذه الرسالة الميمونة المباركة على يد اضعف العباد و افقرهم المحتاج الى رحمة الله الغنى رحمة الله ابن امر الله الهوى غفر الله ذنوبهما و ستر عيوبهما في الشهر المخصوص بعناية الرحمان شهر رمضان في اليوم السبت الثامن عشر لسنة خمس و اربعين و تسعمائة (٩٣٥١/٥٤٩) في الهجرة النبوية ببلدة فاخرة بخارا صانها الله تعالى عن الافات و البليات في مدرسة مير عرب قدس سره

Ушбу муборак рисола (китоб) бандаларнинг энг заифи ва уларнинг энг фақири, ал Ғаний — жуда бой сифатига эга Аллоҳнинг раҳматига муҳтож, (унинг раҳматидан умидвор) Раҳматуллоҳ ибн Амруллоҳ ал Ҳиравийнинг³ қўли билан Аллоҳнинг хос оғи бўлмиш Рамазон ойининг ўн саккинчиси шанба куни тўққиз юз қирқ бешинчи ҳижрий сана (945/1539)да Бухоро шаҳридаги⁴ Мир Араб⁵ мадрасасида Аллоҳнинг инояти билан ёзиб тугатилди.

Китобнинг ўнг томон ҳошиясида: 948 ҳ. (1541 й.) сана шаъбон ойининг учинчисида бошқа бир киши томонидан китобга эгалик қилганлигини маълумотини берувчи матн акс этган.

Мазкур қўлёзманинг муқоваси пишиқ картондан бўлиб, яшил рангда, олд ва орқа муқовани бириктирувчи қисми чармдан тайёрланган бўлиб қизил рангда. Муқованинг олд ва орқа томонида 1,8x2,5см катталиқда жами тўртта ёзувсиз, безакли кичик турунжи ва 4,3x6 см катталиқда жами иккита катта, безакли ўрта нишони мавжуд. Безакли турунж қисми тилларангда. Китобнинг аввали ва охирида

кейинги даврларда бир варақдан ялтироқ, шиқилдоқ маҳаллий қоғоз қўшиб елимланган. Матнлар настаълиқ хатида кўчирилган. Асар форс тилида бўлса-да, аммо, оят, ҳадислардан иборат матнлар араб тилида ифодаланган.

Қўлёзманинг 16 варағидан матнлар бошланган. Айнан ана шу варағида гўзал, бадий безакли унвони ҳам мавжуд.

Қўлёзманинг ҳар бир варағидаги матнлар қизил, қўк ва тиллврангли ингичка чизиклар билан чегараланган. Қўлёзманинг 16 варағидаги матнлар 10 қаторни ташкил этса, қўлёзманинг асосий қисмидаги матнлар эса, 17 қаторда кўчирилган. Асар матнлари назмий ва насрий услубда бўлиб, назмда ёзилган матнлар икки устунда кўчирилган. Шеър, қитъа ва шу каби назмий шаклда ёзилган матнлар ораси қизил тигиз (ғуж) нуқталар билан ажратилган. Қўлёзманинг ҳар бир “б” варағидаги энг пастки қисми, чап томонида пойғири ҳам мавжуд⁶.

Асосий матнлар қора сиёҳда, сарлавҳалар ва шу каби баъзи муҳим маълумотлар қизил сиёҳда кўчирилган. Назмий қисмларда қаторларни қўшилиб кетмаслиги учун 3 тадан қизил сиёҳли вергулли нуқталар қўйилган.

Ушбу қўлёзмада матндаги айрим сўзлар устига тортилган узун чизиклар ҳам мавжуд. “Равзат ус-соликин” номли ушбу қўлёзма асарнинг асосий матнлари форсий тилида бўлиб, унга қўшимча сифатида арабий ёки туркий жумлалар учраганда, асосий матн тилидан бошқа тилда кўчирилган жумла қўлланганини билдириш учун мана шундай жумла устига қизил (ёки қора) сиёҳда узун чизик тортиб қўйиш услуби қўлланилгани кўзга ташланади.

Албатта, ушбу ўрганишдан матншунослик ва манбашунослик соҳаларининг ўша (XVI аср) даврда ҳам маълум даражада ривожланганини кўриш мумкин.

ХУЛОСА

“Равзат ус-соликин” асарининг Бухоро нусхасини ўрганиш жараёнида Республика-

³ غفر الله ذنوبهما و ستر عيوبهما Гафараллоҳу зунубаҳумо ва сатара уйубаҳумо – Аллоҳ у иқовларининг гуноҳларини кечириб, айбларини яширсин)

⁴ صانها الله تعالى Сонаҳаллоҳу таоло – Аллоҳ таъало бу шаҳарни офату балолардан ўзи асрасин

⁵ قدس سره Қуддиса сирруху – сирлари муқаддас бўлсин.

⁶ Пойгир – ўзидан кейинги саҳифанинг шу сўз билан бошланишини билдириб келувчи сўз бўлиб, ўнг саҳифанинг энг остига, чап томонга жойлаштирилади (пойгир саҳифаларни дасталаш учун бет рақамлари ўрнига ишлатилади). Манба: А. Ҳабибуллаев. Адабий манбашунослик ва матншунослик. Қисқача курс. Тошкент, 2000.

миздаги бошқа қўлёзма фондларида ҳам шу номли қўлёзма асарлар борлигини аниқладик. Бу Ўзбекистондаги етакчи фондлардан бири Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида бўлиб, унда № 5417 ашъвий рақам остида сақланаётган 936/1530 йилда кўчирилган 235 varaқдан иборат 17x11,5 см ўлчамга эга бирта тўлиқ қўлёзмаси ва яна бири № 9316 ашъвий рақам остида сақланаётган нуқсонли нусхаси мавжудлиги аниқланди[4:60]. Ушбу нуқсонли қўлёзманинг аввалги ва охириги varaқлари сақлаб қолинмаган. 216 varaқ 16,5x10 см[4:60].

5417 ашъвий рақам остида сақланаётган мазкур қўлёзма 936 х/1530 йилда кўчирилган. Унинг муқоваси қизил (анор) рангда. Муқованинг турунж қисмида “Амали Абдулқодир Саҳхоф 1277х (1860-1861йй)” деб ўйиб ёзилган[2]. Бундан шу нарсa маълум бўладики, қўлёзманинг муқоваси мавжуд бўлмаганлиги сабабли кейинги даврларда мазкур муқова тайёрланиб, қўлёзманинг кейинги авлодга яхши сақлаган ҳолатда етиб бориши учун замин яратилган.

Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидаги ушбу қўлёзма билан Бухоро давлат музей қўриқхона фондида сақланаётган қўлёзмани қиёслаганимизда баъзи матний ва кодикологик фарқлар кўзга ташланди. Улар қуйидагилар:

1. Шарқшунослик қўлёзмалар фондидаги қўлёзмада асар қуйидаги арабий жумлалар билан бошланган

الحمد لله رب العالمين والعاقبة للمتقين و الصلوة والسلام
على رسوله محمد وعلى آله واصحابه اجمعين

Бухоро музейи қўлёзма нусхасида эса қуйидаги форсий жумлалар билан бошланган:
انجا كه كمال كبريای تو بود. عالم هم از بحر عطای تو
بود.

مارا چه حد حمد و ثنای تو بود. هم حمد و ثنای تو سزای
تو بود

2. Шарқшуносликдаги қўлёзманинг турунжида гарчи кейинги даврда бўлсада муқовасоз саҳхофнинг номи ва муқова қилинган санаси қуйидагича келтирилган:

عمل عبد القادر صحاف. ٧٧٢١ھ

Амали Абдулқодир Саҳхоф 1277 х. (1860 йил)”.

Бухоро музейи қўлёзмасининг турунжи эса ёзувлардан холи шаклда шарқона бадиий базак билан безатилган

3. Гарчи қиёсланаётган икки қўлёзманинг кўчирилишида 11 йилга фарқ бўлсада ёзувининг чиройлилиги, ўқиш қулайлиги ва бадиий безакли унвонининг мавжудлиги, қоғозининг сифатлилиги жиҳатидан Бухоро музейи қўлёзмаси ажралиб туради.

Шарқшунослик қўлёзмалар фондида яна шу номли қўлёзма ҳам мавжуд бўлиб, аввалги ва охириги varaқлари нуқсонли, муқоваси яшил рангда [3].

Кодикологик таҳлил ушбу қўлёзма асарнинг ўзига хос жиҳатларини очиб беришга имкон берди. Жумладан, асарнинг бир неча қўлёзма нусхалари мавжудлиги ва уларнинг ҳар бирида кодикологик ўзига хослик ва умумийлик мавжудлиги, хаттотлар услуби, ҳар бир нусха алоҳида белгилар билан ва қоғознинг сифати бир-биридан фарқ қилиши кабилар аниқланди. Умуман ушбу қўлёзма асар маънавий мерос ва ёзма ёдгорлик намунаси сифатида баҳоланишга ҳар жиҳатдан лойиқ.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Али ибн Маҳмуд ал-Абивардий ал-Куроний. Равзат ус соликин. Бухоро давлат музей-қўриқхонаси қўлёзмалар фонди. Инв. № 27777/11.
2. Али ибн Маҳмуд ал-Абивардий ал-Куроний. Равзат ус соликин. Ўз. ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. Инв. № 5417.
3. Шу асар. Ўз. ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. Инв. № 9316.
4. Шамсуддинхон Зиёуддинхон ўғли Бобохонов, Абдулазиз Мансур. Накшбандий тарикатига оид қўлёзмалар фихристи. Ўз. ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Ўзбекистон Республикаси ислом ҳамкорлик фонди. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 1993. – Б. 60.
5. Наврўзова М. Накшбанд рубойлари фалсафаси. – Тошкент: Фан, 2025. – Б. 116, 117.
6. Арабча-ўзбекча луғат / Тузувчилар: О. Носиров, М. Юсупов, М. Муҳиддинов, Ю. Раҳматуллаев, А. Нишонов. Ан-На’им. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 2003.
7. Ҳабибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншунослик. Қисқача курс. – Тошкент, 2000.